Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

# ТОШКЕНТ оқшоми

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети ва халқ депутатлари шаҳар Советининг органи

ГАЗЕТА 1966 ЙИЛ 1 ИЮЛДАН ЧИҚА БОШЛАГАН. • № 28 (5. 919) • 1986 йил 3 февраль, душанба • Баҳоси 3 тийин.

## Тошкентда Ўзбекистон Коммунистик партиясининг XXI съезди ўз ишини тамомлади

### Ўзбекистон Коммунистик партиясининг XXI съезди тўғрисида

# ИНФОРМАЦИОН БИЛДИРИШ

Ўзбекистон Коммунистик партияси XXI съезди 1 февраль куни Тошкентда ўз ишини давом эттирди.

«СССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1986—1990 йилларга ҳамда 2000 йилгача бўлган даврга мўлжалланган Асосий йўналишлари лойиҳаси тўғрисида»ги доклад юзасидан музокараларда Қорақалпоғистон АССР Министрлар Советининг Раиси Д. С. ЁДГОРОВ, Главсредазирсовхозстрой бошлиғи Э. ТУРСУНОВ, Хоразм область Гурлан район ижроия комитети раисининг биринчи ўринбосари — район агросаноат бирлашмаси раиси Т. ОРТИҚОВ, Бухоро область «Узбекбургаз» ишлаб чиқариш бирлашмаси ремонтчи слесарлар бригадири В. Ф. СТРЕЛЬЦОВ, Ўзбекистон ССР монтаж ва махсус қурилиш ишлари министри П. Қ. НЎЪМОНОВ, «Узстройтранс» автотранспорт ишлаб чиқариш бирлашмасига қарашли Самарқанддаги 17-автобаза ҳайдовчиси Т. Б. ТУРДИМАТОВ сўзга чиқдилар.

Съезд «СССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1986 — 1990 йилларга ҳамда 2000 йилгача бўлган даврга мўлжалланган Асосий йўналишлари лойиҳаси тўғрисида»ги доклад юзасидан резолюция қабул қилди.

Съездда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари И. Б. УСМОНХЎЖАЕВ якунловчи нутқ сўзлади.

Сўнгра съезд Ўзбекистон Коммунистик партияси раҳбар органларини сайлашга ўтди.

Съезд Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетини ва Ўзбекистон Компартияси Ревизия комиссиясини сайлади.

Ўзбекистон Коммунистик партиясининг XXI съезди ёпиқ деб эълон қилинади.

Делегатлар партия Гимни — «Интернационал»ни ижро этадилар.

Съезд ишида КПСС Марказий Комитети Маъмурий органлар бўлими мудирининг ўринбосари В. А. АБОЛЕНЦЕВ, КПСС Марказий Комитети Ташкилий-партиявий ишлар бўлими сектори мудирининг ўринбосари И. Е. ПОНОМАРЕВ иштирок этдилар.

### Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг пленуми тўғрисида

# ИНФОРМАЦИОН БИЛДИРИШ

1 февраль куни Ўзбекистон Компартиясининг XXI съезди сайлаган Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитетининг пленуми бўлди.

Пленум И. Б. УСМОНХЎЖАЕВни Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари ва Бюро аъзоси қилиб сайлади.

В. П. АНИШЧЕВ Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг иккинчи секретари ва Бюро аъзоси қилиб сайланди.

Р. Ҳ. АБДУЛЛАЕВА, В. А. АНТОНОВ, А. С. ИКРОМОВ Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретарлари ва Бюро аъзолари қилиб сайландилар.

В. Н. ЛОБКО Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари ва Бюро аъзоси қилиб сайланди, қурилиш бўлимининг мудири этиб тасдиқланди.

Т. А. АЛИМОВ, В. А. ГОЛОВИН, Ғ. Ҳ. ҚОДИРОВ, Н. И. ПОПОВ, О. У. САЛИМОВ, К. САЛИКОВ Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Бюросининг аъзолари қилиб сайландилар.

П. В. ДОГОНКИН Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг Бюро аъзоси этиб сайланди ва Ташкилий-партиявий ишлар бўлимининг мудири қилиб тасдиқланди.

Ҳ. АЛИМОВА, И. Ҳ. ЖЎРАБЕКОВ, В. К. МИХАЙЛОВ, Б. Ф. САТИН, В. А. ХАЙДУРОВ Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Бюросининг аъзолигига кандидатлар қилиб сайландилар.

Пленум Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бўлимларининг мудирларини тасдиқлади: Пропаганда ва агитация бўлими мудирлигига С. ҚУРБОНОВ, Фан ва ўқув юртлари бўлими мудирлигига Н. ТЎХЛИЕВ, Маданият бўлими мудирлигига Д. Т. МАДИКАРИМОВА, Маъмурий органлар бўлими мудирлигига Д. А. УСАТОВ, Ахборот ва чет эл алоқалари бўлими мудирлигига Э. Қ. ҲАЙИТБОЕВ, Қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат саноати бўлими мудирлигига В. И. ПЛЕТНЕВ, Сув хўжалиги бўлими мудирлигига В. И. СУСКИН, Экономика бўлими мудирлигига Ш. ҲОЖИМУРОТОВ, Савдо ва маиший хизмат бўлими мудирлигига Б. И. БУГРОВ, Оғир саноат ва машинасозлик бўлими мудирлигига С. А. АСРИЯНЦ, Транспорт ва алоқа бўлими мудирлигига П. М. АБДУРАҲМОНОВ, Умумий бўлим мудирлигига Қ. ТОИРОВ тасдиқланди. Р. Ҳ. АБДУЛЛАЕВ партия комиссиясининг раиси, З. ҲАЙДАРОВ Ишлар мудири этиб тасдиқланди.

Пленум Л. П. ҚАЮМОВни «Совет Ўзбекистони» газетасининг, Г. Г. НЕКЛЕССАни «Правда Востока» газетасининг, Ш. НИЁЗОВни «Ҳақиқати Ўзбекистон» газетасининг, Н. А. УМЕРОВни «Ленин байроғи» газетасининг, А. Ғ. МУХТОРОВни «Қишлоқ ҳақиқати» — «Сельская правда» газетасининг редакторлари этиб тасдиқлади. Р. А. НУРУЛЛИН «Ўзбекистон коммунисти» — «Коммунист Узбекистана» журналининг, Б. ЮСУПОВ «Партия турмуши»—«Партийная жизнь» журналининг бош редакторлари этиб тасдиқланди.

Пленум ишида КПСС Марказий Комитети Маъмурий органлар бўлими мудирининг ўринбосари В. А. АБОЛЕНЦЕВ, КПСС Марказий Комитети Ташкилий-партиявий ишлар бўлими сектор мудирининг ўринбосари И. Е. ПОНОМАРЕВ қатнашдилар.

### Ўзбекистон Компартияси Ревизия комиссиясининг мажлиси

1 февраль куни Ўзбекистон Компартиясининг XXI съездида сайланган Ўзбекистон Компартияси Ревизия комиссиясининг мажлиси бўлди. М. А. ЗОИДОВ Ўзбекистон Компартияси Ревизия комиссиясининг раиси қилиб сайланди.

### Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари И. Б. УСМОНХЎЖАЕВнинг

# ЯКУНЛОВЧИ НУТҚИ

Ўртоқлар!

Съездимиз Ўзбекистон коммунистлари, барча меҳнаткашлари Ленин партиясининг ички ва ташқи сиёсатини, КПСС Марказий Комитети 1985 йил апрель ва октябрь Пленумларининг новаторлик қарорларини, мамлакат социал-иқтисодий тараққиётини жадаллаштириш йўлини якдиллик билан қизғин қўллаб-қувватлаётганликларини янги куч билан намойиш этди.

Съезд делегатлари ўз нутқларида ишни яхшироқ олиб бориш, вазиятни равшанроқ кўриш ва баҳолаш, ишдаги камчиликлар, хатолар ва нуқсонларни тезроқ тугатиш зарурлигини уқтириб ўтганликлари тасодифий эмаслигини таъкидламоқчиман. Дарҳақиқат, съезддаги катта ва ошкора фикрлашувимизни якунлар эканмиз: ҳозир бизга партиявий иш услубини, форма ва методларини қатъият билан қайта қуриш, мадҳиябозлик, бепарволик ва дабдабабозликни тугатиш жуда зарур, деган хулосага беихтиёр қайта-қайта келасан, киши. Биз ўз фаолиятимизни холисона баҳолаб, ҳамиша ва ҳар ишда чинакам ҳақиқатга қараб иш тутганимиздагина олға ҳаракат қила оламиз. Лениннинг бу васияти турмушимизнинг нормаси бўлиб қолиши лозим.

Съезд делегатлари республиканинг 640 минг коммунисти иродасини ифодалаб, партиянинг съездолди программавий ҳужжатларини маъқуллаганликлари, республика партия ташкилотининг жанговарлик қобилиятини ошириш, интизом ва тартибни мустаҳкамлаш, турмушимизнинг ҳамма соҳаларида маънавий-психологик вазиятни соғломлаштириш юзасидан Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ўтказаётган ишни қўллаб-қувватлаганликлари ҳам принципиал муҳим аҳамиятга эгадир.

Биз ҳамма ишларимизни КПСС Марказий Комитетининг ленинча миллий сиёсатини узлуксиз амалга ошириш, республика экономикаси ва маданиятини ривожлантириш тўғрисидаги оталарча эътибори ва меҳрибонлигини доимо ҳис қилиб турганлигимизни делегатлар таъкидлаб ўтишди. Бундай эътибор муваффақиятли равишда олға силжишимизнинг гарови бўлиб хизмат қилади.

Съезд делегатлари Марказий Комитетнинг собиқ биринчи секретари Ш. Рашидовнинг яроқсиз иш услубини, ўтмишда халқ хўжалигига раҳбарлик қилишда йўл қўйилган жиддий хатоларни, салбий ҳодисаларни, партия ички турмушининг Устав нормалари, раҳбарликнинг коллегиаллиги, кадрларни танлаш, жой-жойига қўйиш ва тарбиялашнинг ленинча принциплари бузилганлигини қораладилар.

Айни вақтда ҳозир ўзининг уқувсизлигини, фаолиятсизлигини ва ташаббуссизлигини ўтмиш хатолари билан яширишга уринаётган кишиларга шафқатсиз баҳо берилди. Бўлиб ўтган ҳисобот-сайлов йиғилишларида, конференцияларда ҳамда съездимизда бу ҳақда ўткир ва принципиал гаплар айтилди. Ҳисобот-сайлов йиғилишлари, конференциялар ва съездимиз умуман танқидий мазмуни, ўртада турган вазифаларни ҳал этишга амалий ёндашиши билан ажралиб турди.

Шу билан бирга адолат юзасидан шуни тан олиш керакки, ҳамма жойда ҳам мавжуд камчиликлар ишчанлик билан танқид қилинмаганини, ҳамма ҳам умумий ишимиз учун жонкуярлик қилмаётганини ҳисобот-сайлов кампанияси кўрсатди. Айрим жойларда ва баъзи кишилар ўртага қўйилган мураккаб вазифаларни муваффақиятли ҳал этишни кўзлаб эмас, балки номигагина танқид қилиш, баландпарвоз сўзларни айтиш учунгина танқид билан чиқдилар. Ҳозир бизга баландпарвоз мулоҳазалар эмас, балки ишдаги конкретлик, партия, бутун мамлакатимиз ҳаётидаги ҳамма нарсаларга астойдил дахлдорлик туйғуси керак деган якдил бир фикрдамиз.

Съездда ҳозирги камчиликлар, нуқсонлар, фойдаланилмаётган резерв ва имкониятлар ҳақида жуда тўғри гапирилди. Менинг шаънимга, Марказий Комитет Бюроси, Марказий Комитетнинг бўлимлари, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Министрлар Совети, республика бошқа органларининг раҳбарлари шаънига ҳам юзхотир қилмай, баъзан кескин, аммо айни вақтда холисона танқидий гаплар айтилди.

Мана шундай талабчанлик билан ёндашиш — республика партия ташкилоти соғломлиги ва куч-қувватининг, у янгичасига, замонавийчасига ишлаш ва ҳаракат қилишга, партия ички турмушининг ленинча нормаларини янада мустаҳкамлашга кўмаклашишга азму қарор берганлигининг ҳаққоний нишонасидир.

(Давоми 2-бетда).

## ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ XXI СЪЕЗДИДА САЙЛАНГАН ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ СОСТАВИ

### ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ АЪЗОЛАРИ

Аббосова О. С.
Абдувосиқов А.
Абдуллаев Р. Ҳ.
Абдуллаева Р. Ҳ.
Абдураҳмонов П. М.
Абдусаматов А.
Азимбеков О. А.
Айдарқулов А. А.
Олимжонов Б. Ғ.
Алимов В. М.
Алимов Т. А.
Алимова Ҳ.
Алламуродов Б.
Анишчев В. П.
Антонов В. А.
Орипжонов М. М.
Өрипов И. Х.
Ортиқбоева Қ.
Асқаров А.
Асриянц С. А.
Аҳмедова М. А.
Отажонов А. Р.
Аширов А.
Ашуралиев Р.
Ашуров Қ.
Барулин А. И.
Баҳромов С. М.
Берков Д. Д.
Белогуров Н. А.
Буканов А. А.
Бўриев И. К.
Бутурлин А. В.

Васильев Ю. С.
Ваҳобова Ф.
Воҳидов Ш.
Воеков А. С.
Ғафуржонов Э. Ғ.
Головин В. А.
Ғофурова Х.
Гудков Ю. П.
Дадажонова Д.
Жабборов И.
Жабборов Ш.
Жонибеков Ж. М.
Жуманиёзов М.
Жўрабеков И. Ҳ.
Догонкин П. В.
Дуримбетов Қ.
Духанин В. Г.
Духанов Н. В.
Ефимов А. С.
Ешимбетова Т. А.
Журавлев В. Н.
Зазулин Д. А.
Захриддинов Ғ. З.
Иброҳимов М. И.
Иванушкина Р. Н.
Икромов А. С.
Эргашев А. Қ.
Исоқова М.
Исамуҳамедов Ҳ. О.
Искандаров А.
Искандаров И.
Искандаров М.

Исмоилов Ў. Қ.
Исмоилов У.
Исманов Х. И.
Йигиталиев С.
Кадин А. Г.
Қодиров Ғ. Ҳ.
Каримов И. А.
Қаюмов Л.
Қаюмов П.
Қирғизбоева Т. Б.
Киселёва А. А.
Клепиков А. Ф.
Крайнов Г. А.
Кузнецова А. И.
Қўйбоқаров Х. Р.
Куксенко В. П.
Кунназаров Ў.
Қурбонов С.
Курочкин Ю. В.
Қўчқоров И.
Лобко В. Н.
Мажитов Ҳ.
Мадикаримова Д. Т.
Мақсудов П. С.
Мамарасулов С.
Мананников А. Г.
Манданов И. О.
Мардиева М.
Маҳамадалиев Қ. Ҳ.
Маҳмудов Б. М.
Маҳмудова Ш. Н.
Мирзаев М. М.
Мирқосимов М. М.
Мирсаидов Ш. Р.
Михайлов В. К.
Мордвинова Е. М.
Мўминов А.
Мўминов Ў. Р.

Мусабеков Ҳ. Н.
Муслимов И.
Нарзуллаев Н.
Норқобилов А. А.
Неклесса Г. Г.
Нестеренко С. М.
Нишонов Р. Н.
Нўъмонов К. (Яшин)
Нўъмонов П.
Огарок В. И.
Плетнев В. И.
Попов Н. И.
Ражабов Н. Р.
Расулова Р. Б.
Раҳимов К.
Раҳимов У.
Раҳмонқулова Т.
Романовский А. П.
Рўзматов М.
Рўзиев Э. М.
Содиқов Қ. Ғ.
Салоҳиддинов М.
Салимов О. У.
Саликов К.
Сапаев Қ.
Сатин Б. Ф.
Сефершаев Ф.
Сидаков Г. Х.
Скворцов В. В.
Скворцова В. П.
Смеюшчев В. А.
Солдатов М. Ф.
Стефановский Г. А.
Стешенко Г. П.
Стрижнев С. И.
Султонова С. У.
Тавакалов В.
Тоиров Қ. Т.

Тошпўлатов М. С.
Туропов Н. Т.
Турсунов Э. Т.
Умарбеков Ў. Р.
Умаров И. С.
Умаров Ҳ.
Усатов Д. А.
Усмонова Х.
Усмонхўжаев И. Б.
Фозилбеков А. И.
Ҳабибуллаев А.
Ҳабибуллаев П.
Ҳожимуротов Ш.
Ҳайдаров З.
Ҳайдарова Ш.
Хайдуров В. А.
Ҳакимов Б. Ж.
Ҳалилов М.
Ҳасанов Ж.
Ҳасанов М. Ҳ.
Хидиров Т. П.
Хўжаева С. А.
Худойберганова Р.
Худойбердиева Ҳ. У.
Худойназаров П.
Чориев Р.
Шоёқубов Т.
Шерқулов М.
Шерматов А.
Эргашев Р. С.
Эсонов М.
Йўлдошев А. А.
Йўлдошев Т.
Юнусов Р. Р.
Юсупова И. Т.
Ёдгоров Д. С.
Ёқубжонова Х.

### ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ АЪЗОЛИГИГА КАНДИДАТЛАР

Абдуллаев М.
Абдуллаев М. У.
Агабабян Р. Ж.
Антонов В. И.
Асанов А. Х.
Асепков Ю. А.
Ахмадқулов С.
Аҳмедов Қ. А.
Балала В. И.
Бердиев Н.
Бердиев Х. Э.
Бугров Б. И.
Васенев В. М.
Ғоибов Н. Ё.
Гревцов Е. В.
Глушенкова А. И.
Губина Е. А.
Дадахонов И.

Дадабоев Ш. О.
Дудин К. П.
Ержанов С.
Еримбетов А.
Ефремов Б. В.
Жолудева Л. М.
Жўраев И.
Жўраева Р.
Зокиров Ў. О.
Иброҳимова Р.
Исаев Г. Г.
Исроилова Ф.
Қорабоев Ж.
Қорниева Б. Р.
Каримова М. Ў.
Козирь А. В.
Қурбонов И.
Қурбонов С. Ш.

Кучерский Н. И.
Лапкин К. И.
Лозицкий В. А.
Мақсудов Т.
Маҳмудов О.
Наврўзова М.
Назаров Н.
Нарзиқулов М. П.
Неъматов Ў.
Пешков А. А.
Пирнапасов Х. А.
Пискунов Б. А.
Разақов А. С
Раҳимов А.
Раҳимов М.
Раҳимов Т.
Раҳмонов Х.

Раҳмонова С. Н.
Руденко А. Г.
Содиқов М. К.
Салимов И. Х.
Сатторова Ж. К.
Сафаров Р. Р.
Синекопов П. И.
Стрельцов А. А.
Стрельцов В. Ф.
Сускин В. И.
Таранторова В. И.
Тоҳиров Р. Т.
Тошев Х.
Тен Х. Г.
Тепикин Л. Е.
Тўраев А. О.

Турик Б. Т.
Тўхлиев Н.
Умарбеков Ж. Ю.
Ўтегенов У.
Ҳайитбоев Э. Қ.
Ҳаитматов С. Х.
Ҳакимов М. С.
Хамидова Ф.
Хатамов Р.
Хомяк В. П.
Черноштан В. И.
Шодиева Р. Ж.
Шамшетов Д. Н.
Шаропов Х.
Ширинова Т. С.
Юсупов П. Ю.

### ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИНИНГ XXI СЪЕЗДИДА САЙЛАНГАН ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ РЕВИЗИЯ КОМИССИЯСИНИНГ СОСТАВИ

Абдуқодиров С.
Абдураҳмонов А. А.
Алимбоев Ж.
Алихўжаев Ў.
Аникин А. Н.
Отақўзиев У.
Аҳмедова М. Т.
Охунжонов С. С.
Бегматов У.
Беккулбекова Л. Ш.
Бердибеков Т.
Будзиевский Н. В.

Бурхонова М. С.
Давлетов И. И.
Емельянов Н. И.
Жумабоева Г.
Зоидов М. А.
Змиевский А. Ф.
Эшбеков И. Д.
Қодирова Т. Ф.
Комарова Л. Е.
Коновалова В. Я.
Қурбонов Ғ.
Мансурова Ш. О.

Мирёқубов Т. М.
Мухторов А. Ғ.
Набиев Т.
Наврўзова Г. Н.
Наимова С. Н.
Ниёзов Ш.
Нурбоев М.
Нуржонов И.
Осовина Л. П.
Плотников В. А.
Раҳимов Н. Х.
Раҳмонов М. Р.

Раҳмонова С. А.
Ризаев С. Р.
Рўзматова Н. Т.
Сафронова М. Ф.
Сахатов Т.
Стрижкова М. В.
Султонова У.
Суюнов Ж.
Тожиев Б.
Тожимуротов М.
Тешабоев Ф. Ғ.
Турсунов У. Т.
Турсунов Ҳ.

Умеров Н. А.
Умурзоқов Ҳ.
Фахриддинова К. Н.
Холиқов М. С.
Ҳамидов В. А.
Ҳамроев А.
Ҳатамов Т.
Худоёров П.
Чеховских В. М.
Йўлдошев П.
Юсупов И.
Ёқубов Ш.

### КПСС XXVII СЪЕЗДИ ШАРАФИГА

**15 февраль — Бутуниттифоқ коммунистик шанбалик куни**

## Коммунистлар аҳди

Экспериментал фурнитура-пластмасса буюмлари заводида меҳнат байрамига бағишланган митинг бўлиб ўтди.

— Шу куни — деди 3-участка слесари, коммунист А. Пирматов, — биз юқори унум билан ишлашга ваъда берамиз. Топшириқни 110 процент бажарамиз, маҳсулотларнинг аъло сифатли бўлишини таъминлаймиз. Айни пайтда хом ашё ва ресурсларни тежашга ҳам алоҳида эътибор берамиз.

Унинг бу таклифига 3-участка токари А. Аҳмаджонов, В. Елурков етакчилик қилаётган бригада аъзолари ҳам қўшилишди.

Коллектив ягона фикрга келди. Партия анжумани шарафига ўтказиладиган шанбалик куни кўплаб қора металл, электр энергияси ва ёнилғи тежаб қолинишига аҳд қилинди. Шу куни ҳаммаси бўлиб 16 минг сўмлик сифатли маҳсулот тайёрланади. 1500 сўм беш йиллик фондида ўтказилади.

Коммунист Б. Епурков етакчилик қилаётган бригада аъзолари 2.700 миллион дона тугма ва пойафзал тайёрлашда ишлатиладиган халқачалар тайёрлайди. Бу смена топшириғи 115 процент бажарилади, деган маънони билдиради.

Корхонадаги барча цех ва участкаларда зарбдор суръат давом этади. Айни пайтда завод территорияси ободонлаштирилади, тартибга келтирилади.

## Юксак маррани кўзлаб

Тошкент чарм-галантерея ва спорт буюмлари ишлаб чиқариш бирлашмаси коллективи ўтган йили самарали натижаларни қўлга киритди. Корхона маҳсулот реализация қилиш бўйича ўн биринчи беш йиллик планини муддатидан икки ой илгари бажарди, 144 миллион сўмликдан кўпроқ буюмлар истеъмолчиларга етказиб берилди. Шунинг 2 миллион сўмлиги планга қўшимчадир. «Янгилик» индекси билан чиқарилаётган буюмлар 15 миллион сўмликни ташкил этди.

Бирлашма ишчилари янги йилда ҳам юксак марраларни кўзлаб меҳнат қилишяпти. Улар Ўзбекистон Компартиясининг XXI съезди очиладиган кунгача ойлик топшириқни бажаришга аҳд қилган эдилар. Бу марра муддатидан илгари эгалланди.

Корхонада бир беш йилликда икки беш йиллик планини бажариш, шахсий тамғага эга бўлиш, коммунистик меҳнат зарбдори деган шарафли номга сазовор бўлиш учун меҳнат беллашуви тобора қизиб бормоқда.

Бирлашманинг 45 нафар ишчиси ўтган беш йилликда ўн йиллик ҳажмида маҳсулот ишлаб чиқаришга муваффақ бўлди. Улар орасида ишчилар С. Исмоилова, М. Исамуҳамедова, К. Рустамов, М. Соатовалар бор. Бу илғорлар шу кунларда кунлик план-топшириқларини 130-140 процентга етказиб адо этишмоқда.

Корхона коллективи КПСС XXVII съезди шарафига ўз зиммаларига юксак мажбуриятлар олиб ишлаяпти. Улар анжуман очиладиган кунгача квартал планларини бажаришга аҳд қилишган. Ўзаро социалистик мусобақани авж олдириб бораётган коллектив янги беш йилликда 165 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариш учун астойдил ҳаракат қилмоқда.

